

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгашининг  
ҚАРОРИ

Иккинчи чақирик  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 2001 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси  
Тошкент шаҳри,  
2001 йил 9 апрел.

Э. ХАЛИЛОВ

Олий Мажлисининг бешинчи сессияси муҳокамасига қўйидаги  
масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.
  2. "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
  3. "Мудофаа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
  4. "Махсус оқлар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
  5. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
  6. "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
  7. "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
  8. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида.
  9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
  10. Бир қатор шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.
- Шу билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.



«Кўп ўқишим керак!.. I

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

## ФАОЛИЯТ ЖОНЛАНТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратурасида "Ўзбекистон Республикаси пойтахти ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш борасида Тошкент шаҳар, вилоят, транспорт прокуратуралари, милиция ва Миллий хавфсизлик идораларининг ўзаро ҳамкорлиқда 2001 - 2002 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар дастури"нинг бажарилишига бағишланган идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида Республика транспорт прокурори Б. Тойжонов, Тошкент вилоят прокурори К. Исмоилов, Тошкент ҳарбий прокурори А. Юсупов, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи Р. Ҳайдаров, Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи Ш. Расулов, ИИБ нақлиёт ИИБ бошлиғи Н. Исмоилов, МХНнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Р. Муҳаммадиев ва Тошкент шаҳар факултетада вазиятлар бошқармаси бошлиғи Э. Икромовлар иштирок этдилар.

Юқоридаги тадбирлар доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси М. Наимовнинг ахбороти тингланди. Маърузачи 2000 йилда ва жорий

йилнинг ўтган даврида дастурда белгиланган вазифаларнинг ижроси хусусида тўхталиб ўтар экан, жумладан шундай деди:

— Ҳамкорлиқда олиб борилган ишлар натижасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш фаолияти жадаллаштирилди. Аммо шунинг билан бирга оғир ва ўта оғир жиноятлар, жумладан, қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир шикаст етказиш, ўғирлик ҳамда товламачилик жиноятларининг ошганлиги кузатилди. Булардан кўринадики, ҳали дастурда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шу боисдан, пойтахтдаги оқошталлик ва ҳуқуқ-тартибот учун жавоб берувчи идоралар фаолиятларини яна жонлантиришлари лозим.

Маърузада таъкидлаб ўтилган масалалар юзасидан кенгаш иштирокчилари ўзларининг фирк-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгашда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз.)

## Ушбу сонда

### ДАРАХТЛАРНИ КЕСМАНГ!

4  
бет

Ватанинг бир сиқим тупроғи, биргина дарахти ҳам азиздир. Уни авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

### ДАФН МАРОСИМИ

6  
бет

... кўзимдан думалаган бир томчи ёш косага томди. Косани оқиста дастурхонга қўйдим.

### БАҲОНА АТРОФИДАГИ МОЖАРОЛАР

7  
бет

Узоқ йиллик бу конфликтларнинг намоян бўлиб қолишига "самолёт можароси" баҳона бўлди.

## «HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

## Ta'sischilar

O'zbekiston Respublikasi  
prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent  
viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida»  
jurnali

## Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

## Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Komiljon Ismoilov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov,  
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot  
ko'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: +133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalarga  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.  
Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» origina!-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.  
Korxonada manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 2149  
Nusxasi — 21787  
Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 21.30

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi  
Navbatchi muharrir:  
H. NISHONOV  
Navbatchi: N.MAHMUDOV  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

## ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

— *Мираглам Ахатович, маълумки, барча ривожланган давлатлар ўз келажагини баркамол кўриш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратади. Дарҳақиқат, соғлом миллатнинг нафақат тани, балки ақл, муҳити ҳам соғлом бўлади. Давлатимиз мустақилликка эришгач соғлиқни сақлаш тизими борасидаги жорий қилинган Фармон ва қарорларнинг, шунингдек, Президентимизнинг ташаббуси билан ўтган йили «Соғлом авлод*

рдан 2001 йил 1 март кунига қадар Республика Скрининг маркази томонидан ўрганилган 243 оиланинг айримларида оғир генетик касалга дучор бўлган фарзандлар туғилганлиги аниқланган. Бу сингари салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига тиббий муассасаларнинг мутасадди ходимлари носоғлом оила қуришга қарши етарли даражада профилактик тадбирлар олиб бормаётганлиги асосий сабаб бўлса, ФХДБ бўлимлари ходимларининг ҳам бундай

— *Сухбатимиз беvosита voyга етмаганларнинг соғлиги муҳофазасига бориб тақалган экан, бир савол туғилади: давлатимиз томонидан voyга етмаганларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш, уларни юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қиладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда voyга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар янги тартибда қайтадан ташкил этилди.*

— *Мираглам Ахатович, соғлиқни сақлаш тизимида содир этилаётган таъмагирлик ҳолати тизимда оғриқли нуқталардан бири ҳисобланади. Сухбатимиз сўнгиде, шаҳар прокуратураси томонидан шу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.*

— Саволингизга айрим мисоллар билан жавоб қайтарсам, назаримда шаҳар прокуратураси томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами тушунарлироқ бўлади. Жорий йилнинг 5 февралда хомилдор Ф. Йўлдошевани Сирғали туманидаги туғруқ комплексига олиб келишди. Бироқ комп-

## СОҒЛОМ АВЛОД МУҲИТДА ТАРБИЯЛанади

## Тошкент шаҳар прокурорининг

## 1-ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

## Мираглам МИРЗАЕВ билан суҳбат

йили», жорий йили «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилинишининг ҳам бош мезони, назаримда, шунга қаратилган. Сухбатимизни Тошкент шаҳар прокуратурасининг шу борада олиб бораётган ишлари хусусида бошласак.

— «Соғлом авлод йили» сифатида тарихга кирган 2000 йилнинг якуни муносабати билан шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тизимидаги даволаш муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуни талаблари ижроси, шунингдек, оналар ва болалар соғлиги муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда умумий назорат тартибида текшириш ўтказилди.

Текшириш даврида аниқланишича, 2000 йил давомида ҳисобга олинган хомилдор аёлларда туғриқача бўлган муолажа тўлиқ ва лозим даражада олиб борилмаганлиги оқибатида 9.5% аёлда туғруқ операция йўли орқали амалга оширилган. Хомилдор аёллар белгиланган равишда тиббий кўриқдан ўтказилмаслиги натижасида туғилган чақалокларнинг нобуд бўлиши ҳолатлари ҳам кузатилмақда.

Текширишлар даврида ўтган йили бир ёшга кирмасдан ҳаётдан қўз юмган гўдакларнинг исми-шарифи кўрсатилган маълумотлар ФХДБ бўлимларидан олинди тиббий бирлашмалар томонидан олинган маълумотларга солиштирилганда шу нарса маълум бўлдики, деярли барча туманларда нобуд бўлган гўдакларнинг ўлими сабаблари чалқаштирилган, бошқа вилоятлардан келганлиги ва ж қилиниб, ҳисоботларга киритилмаган.

Бундан ташқари, соғлом оила қуриш, соғлом фарзандларнинг дунёга келишини таъминлаш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижасида айрим ҳолларда гўдакларнинг генетик ва бошқа турдаги касалликлар билан туғилиш ҳолатлари юз берган. Жумладан, 1999 йил 1 октяб-

рда туғилган қизларнинг касаллик марказий шифохонада ўтказилган текшириш даврида аниқланишича, «Соғлом авлод» Давлат дастури ҳамда 2001 йилда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга доир айрим тадбирларнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги, бўлим бошлиқлари фаолиятларини иш режасига мувофиқ олиб бормаётганлиги, касалликларнинг келиб чиқиши ва юз бериш ҳолатлари таҳлил қилинмаётганлиги аниқланди. Оналар ўлими ҳолатлари нафақат туман миқёсида, балки ҳодиса рўй берган туғруқ мажмуи ҳамда поликлиника тиббиёт ходимлари ўртасида ҳам муҳокама қилинмаган.

«Соғлом авлод» Давлат дастурининг 6 та йўналиши бўйича олиб борилаётган ишлар сифатини яхшилаш борасида тумандаги барча даволаш-профилактика муассасаларида балоғат ёшига етмаган қизлар билан ишлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, бир ёшга бўлган болаларни соғломлаштириш, 6 ёшли болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида йўлга қўйилмаган.

«Буни шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига фуқаролардан келиб тушган шикоят ва аризаларнинг сони ошганлигини ҳам билсак бўлади. Чунончи, 1999 йил 427 та ариза келиб тушган бўлса, 2000 йил шикоят ва аризаларнинг сони - 488 тага етган. Аксарият аризаларда айрим тиббиёт ходимлари тиббий ёрдам кўрсатмаётганлиги, даволашда камчиликка йўл қўётганлиги, амбулатор-поликлиникалардаги хатолıklar, шифо истаб келганларга нисбатан ходимларнинг қўпол муомалада бўлаётганлиги айтиб ўтилган.

«Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси назорат инспекцияси, дори-дармонлар сифатини назорат қилиш хайъати ҳамда СЭС ходимлари томонидан 144 та дорихонада ўтказилган текширишлар даврида турли кўринишдаги ғайриқонуний ҳолатлар аниқланиб, 54 та дорихонанинг лицензиялари бекор қилинган. Бироқ белгиланган тартиб ва шароитда дори-дармонларни сотиш ҳолатларига зид равишда дори-дармон савдосини амалга оширишга чек қўйилмапти.

**Вояга етмаганларнинг жисмонан соғлом бўлиб ўсиши йўлида шаҳар соғлиқни сақлаш тизими ходимлари амалга ошираётган ишларни қандай баҳолайсиз?**

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўспиринлар орасида ҳамон турли касалликларга чалинганлар учраб турибди. Чунончи, ўтган йили 15-17 ва ҳарбий хизматга чақирув ёшидагилар тиббий кўриқдан ўтказилганда уларнинг 41 фоизда турли касалликлар мавжудлиги аниқланган.

**— Шу ўринда бир ҳолат ҳақида ҳам айтиб ўтишни исбардик: дори-дармонлар савдоси амалдаги қўйдаларга зид равишда амалга оширилаётган ҳолатларни ҳам-маиз ҳам кўрганми.**

— Нима демокчи эканлигини тушундим. Сир эмаски, айрим касалликлар сифатсиз дори-дармонларнинг таъсирида ҳам пайдо бўлади. Шундай экан дори-дармонларни белгиланган шароитда сотиш ва сақлаш лозим. Аниқланишича, ўтган йили даволаш-профилактика муассасалари 741,98 млн. сўмлик дори-дармонга буортма берган. Буортма 61,7 фоизга бажарилиб, шундан стационарлар 41,02 фоизга, амбулаториялар 121,1 фоизга дори-дармон билан таъминланган.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси назорат инспекцияси, дори-дармонлар сифатини назорат қилиш хайъати ҳамда СЭС ходимлари томонидан 144 та дорихонада ўтказилган текширишлар даврида турли кўринишдаги ғайриқонуний ҳолатлар аниқланиб, 54 та дорихонанинг лицензиялари бекор қилинган. Бироқ белгиланган тартиб ва шароитда дори-дармонларни сотиш ҳолатларига зид равишда дори-дармон савдосини амалга оширишга чек қўйилмапти.

лекснинг бўлим мудирини Г. Камолова Ф. Йўлдошевани туғруқхонага қабул қилиш учун 15 минг сўм пора сўрагани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўтган йилнинг 13 сентябрда фуқаро А. Левиннинг соғлиги оғирлашиб қолганлиги сабабли Мировот тумани 7-сонли тез тиббий ёрдам манзилидан тез ёрдам чақиртирилган. Бироқ тез ёрдам шифокори Л. Конирова беморга фақатгина иссиқлигини туширадиган уқол қилиб, участка шифокорига муурожаат қилиш кераклигини тушунтириб қайтиб кетган. Участка шифокори томонидан тегишли тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги оқибатида беморнинг аҳволи оғирлашиб, 15 сентябрь кунини «Тромбоз» ташхиси билан 1-ТошМИ клиникасига келтирилган. Аммо вақтида тўғри ёрдам берилмаганлиги оқибатида бемор 20 сентябрда вафот этган. Айбдорлар қилиши учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, мазкур тумандаги Марказий маслаҳат-ташхис поликлиникасида талаба Е. Полканига касаллиги туфайли жисмоний тарбия дарсидан озод қилиш ҳуқуқини берувчи маълумотномани олиш учун пул талаб қилганлиги ҳолати аниқланиб, қонунбузарлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Айни пайтда Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижаларига мувофиқ 5 та жиноят иши қўзғатилган, қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида қайтарилмаслик чораларини кўриш тўғрисида 16 та тақдирнома, 22 та амрнома киритилган. 24 шахс қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида огоҳлан-тирилган, 50 нафар шахс маъмурий, 15 нафар шахс моддий, 51 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Бу борада прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қилинмоқда.

Шавқиддин ФАНИЕВ суҳбатлашди



**ТАШАБУС**

**“Икки ўғил, икки қизимни ёлғиз ўзим катта қилаяпман, — дейди Жамилахон опа Исмаиловна. — Турмуш ўртоғим ўн йил аввал вафот этган. Битта менинг пенсиям нима ҳам бўларди? Катта ўғлим усташа шогирд тушган. Бўрдан наҳш қилишади. Бир ой ишласа, икки ой ишсиз. Жудаям қийналиб кетдим. Худога шукр, бугун 9-синфни битирган ўғлим ишли бўлди. Шу савоб ишни бошлаганларга раҳмат...”**

Шаҳар ва туманларда меҳнат ярмаркаси ўтказилаётгани янгилик эмас. Бироқ муайян мақсадни кўзлаган бундай иш ўринлари ярмаркаси илк бор Андижон вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ташкил этилди.

Эрталаб соат 9.00 дан Асака шаҳар тadbиркорлар саройи олдидаги майдонга мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар, фирмалар, ширкат хўжалиқларининг раҳбарлари ва ходимлари ўз фаолиятлари ҳақида маълумотлар битилган стендлар, иш столлари, кўргазмалар панноларни ўрнатиб, бирон-бир иш илинжида юрган ўсмир киз ва йигитларни қарши ола бошладилар. Муסיқа садолари меҳнат бозорига байрамона тус берди.

Соат 10.00 да тadbиркорлар

бўлиб ишга кирганидан хурсандлигини яширолмади.

— Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, фаоллари ўйима-ўй юриб вояга етмаган ўсмирлар меҳнат ярмаркаси бўлишини айтиб, бизниям таклиф қилишди. Мана, ўғлим ишли бўлиб қолди. Энди кўча-кўйда бекор юрмайди, қўнглим тўқ...

— Бугун прокуратуранинг топшириғи билан ўн тўрт ўсмирни олиб келдик, — дейди шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси К.Камолова. — Ҳаммалари ўзларига ёққан ишни таллаб, шогирдликка ишга қабул қилинди.

Вояга етмаган ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида ташкил этилган ярмарка кечгача давом этди. Шу куннинг ўзида 270 дан зиёд йигит-қизлар иш билан таъминланди.

юрган барча ёшларни йиғиб, қизиқिशлари, ишлашга эҳтиёж ва ҳоқорхона, ташкилот раҳбарлари ҳамда ишсиз юрган ёшларни отаналари билан таклиф қилдик. Шу ернинг ўзида уларнинг танлаган касблари бўйича ишга кириш ҳақида аризаларни олиб, зарур соҳалар бўйича тиббий кўриқдан ўтказиб қўлларига меҳнат дафтarchаларини топширишди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан барча шаҳар ва туманларда ана шундай ишчи ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, 16 ёшдан 18 ёшгача ўсмирлар ижтимоий фойдали меҳнатга, касб-корга йўналтирилмоқда. Шаҳридон ва Асака туманларидан ташқари Андижон шаҳри, Андижон туманида яна 400 га яқин вояга етмаганлар ишли бўлиб, дилларида келажакка ишонч мустаҳкамланди.

— Бу бир маротабалик тadbир эмас, — дея давом этади вилоят

**БУ ҲАҚДА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ**

# ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ

**Ҳуқуқий демократик давлат сари одимлаб борар эканмиз, оддий ҳақиқатни теран англаб олишимиз лозим. Бундай давлатни юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган авлодгина вужудга келтиради. Бинобарин, биз ҳуқуқшунослар вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига, улар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашга жиддий эътибор беришимиз шарт. Лекин баъзан фарзандларимиз тарбиясига бўлган лоқайдликка деч келиб, таажубланасан киши.**

Келинг, гапни узокдан бошлай қолай. Боёвут туманида 35 минг нафар вояга етмаган ёшлар мавжуд. Бу туман аҳолисининг тенг ярмини ташкил этади. Шундай катта рақамни ташкил этадиган ёшларнинг тарбияси, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ташвишлари ҳам ўзига яраша. Олиб борилган профилактик ишлар, туман прокуратурасининг кучли ва доимий назорати туфайли бу йўналишдаги ишларимиз кўнглидагидек. Ўтган йили туманимиз миқёсида жами 45 нафар ўсмир қонунбузарликлар билан ҳисобга олинган. Агарда бу рақамни ўттиз беш минг кишилик ёшларга нисбатан таққосласак, бу унчалик ҳам салмоқ касб этмай қолади. Тўғри, жиноятнинг биттаси ҳам кўп. Ҳар бир нотўғри тарбияланган ўсмир келажакда бутун бир жамиятга ҳавф солиши мумкин. Ушбу масъулиятни ҳис этган ҳар бир фуқаро, ҳар бир ота-она олдига қонун нуқтаи назаридан кераклик талабни қўймоқдамиз. Маҳаллалардаги, мактаб ва ўқув муассасаларидаги учрашувларда мунтазам равишда юқоридаги фикрни фуқаролар онгига синдириб бормоқдамиз. Аввало, ҳар бир ёшнинг атрофидаги муҳитни соғломлаштиришимиз, ҳуқуқий тарбияни ўсимиздан бошлашимиз лозимлигини кўпчилик яхши тушунади. Лекин шундай масъулиятли вазифага нисбатан лоқайдлик ҳолатлари ҳам афсуски учраб турибди. Ўтган йили ҳисобга олинган 45 нафар вояга етмаганларнинг ҳам ота-онаси, маҳалла-кўй, тарбия муассасаси бор бўла туриб, уларнинг 9 нафари тан жароҳати етказганлик, 2 нафари ўғрилиқ, 6 нафари майда ўғрилиқ, 23 нафари майда ташмачилик, 3 нафари мунтазам равишда уйдан кетиб қолганлик (!), 1 нафари гиёҳванд модда билан муомалада бўлганлиги, 2 нафари безорилик сабабли доимий назорат ҳисобига тушганлар. Иш шу даражага етмаслиги мумкинми? Албатта, биз ёшлар атрофидаги катталар масъулиятни тўла ҳис эта олишимизга кўп нарса боғлиқ. Шу нақтай назардан вояга етмаганлар орасида қонунбузилишлар келиб чиқишига, қолаверса, уларнинг тарбиясига бўлган масъулиятни чеклашга сабаб бўладиган бир ҳолат бор. У ҳам бўлса нотинч оилалар муаммоси. Туманда 26 нафар нотинч оилалар профилактик ҳисобга туради. Доимий назоратимиз туфайли ушбу оилалардаги ёшлар ўқишга, ишга тўлиқ жалб этилиб уларнинг ҳулқ-атвори устидан жамоатчилик мониторинги вужудга келтирилди.

Ўрни келганда ўз фарзандларининг тарбиясига лоқайд муносабатда бўлаётган оталаримиздан баъзиларининг исми-шарифларини келтириб ўтмоқчиман. Боёвут шаҳарчасида истиқомат қилувчи Р.Фозилов, А.Зиёев, “3-Боёвут” ширкатлар уюшмасида яшовчи М.Шоёқубов, Т.Худойбердиевлар ўз фарзандларининг мунтазам равишда мактабга бормаслигига қарши чора кўрмаганлар. Ўз эътиборсизликлари туфайли уларнинг шахс бўлиб қамолга етишига тўсқинлик қилганлар. Юқоридаги “ота”лар маъмурий тартибда жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси экинчи яна бир савобли ишга қўл урди. Маълумки, халқ таълими вазирлигининг 1994 йил 5 декабрдаги буйруғига асосан “Халқ таълими муассасалари томонидан давлат ёрдамига муҳтож бўлган болаларни яқка тартибда ўқитиш” кўзда тутилган. Лекин айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли бундай савобли, айна пайтда керакли вазифа бажарилмай келинган. Мана битта мисол. Боёвут шаҳарчасидаги 40-ўрта мактабда ногирон болаларни ўқитиш учун ўқитувчи ажратилган. Лекин ўқитувчига яқка тартибда ўқитишнинг учун ҳақ тўлаш пайсалга солинган ва умуман йўлга қўйилмаган. Натижада ўқитувчи уч ойдан сўнг дарсларни тўхтатиб қўйган. Туман прокуратурасининг тақдирномасига асосан ногирон ва ёрдамга муҳтож болаларга яқка тартибда дарслар берилди бошланди.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси масъулиятни ёқтиради. Бир нафар ёш, вояга етмаган жиноятчи биз учун катта ютқизиш, ҳар бир ҳуқуқий саводхон бола эса катта ютүк деб қараладиган вақт келди.

**Соқижон ДАДАЖОНОВ,**  
Боёвут тумани прокурори,  
адлия маслаҳатчиси

# ОДАТДАН ТАШҚАРИ

саройи залида иш берувчилар ва ишга ёлланувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Асака шаҳар прокурори Б.Дехқонов бугунги тadbир хўжакурсинга ўтказилмаётгани, катта ҳаёт остонасида турган, ўз йўлини танлаш тарафдудидидаги ёшларнинг келгуси тақдирини бирон-бир фойдали машғулот билан доимий боғланиши, бирон-бир ишнинг, касбнинг этганини тутишларига боғлиқлигини, назоратсиз, ишсиз, бекорчи юрган ёшлар ҳуқуқбузарлик ёки ақидапарастлик каби жиноят кўчаларига кириб кетмаслиги учун вилоят прокуратураси шаҳар ва туман марказларида 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида махсус меҳнат бозорлари ташкил қилинаётганини таъкидлади. Корхона ва ширкат хўжалиқлари раҳбарларига мурожаат қилиб, «бугун шу ерга йиғилган биронта ёш ноумид қайтмасин» деди.

Асака шаҳридаги “ЖУС” савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ж.Ҳоликназаров 16 нафар ёшга иш ўринлари ажратилганини айтиб ўтди.

— Уларга иш ўргатамиз. Ўқишга жойлаймиз, тadbиркорликда ўзларини кўрсатишса, ёрдам берамиз, — деди.

— Бугун мен “Али ҳожи” хусусий корхонасига қандолатчи шогирд бўлиб ишга кирдим. Ёшлар номидан шу ярмаркани ташкил қилганларга раҳмат айтмоқчиман, — деб С.Маталиева дил сўзларини баён этди.

Асака шаҳридаги Улуғбек номи маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, турмуш ўртоғи вафот этиб, олти фарзандни вояга етказган М.Темирова ўғли Равшанин Асака принцип ишлаб чиқариш корхонасига буюкчи шогирд

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**Андижон вилоят прокуратураси вояга етмаган ёшлар муаммосини бевосита ҳал қилишга ўрнак кўрсатмоқда**

Ушбу тadbирнинг индаллоси — вилоят прокуратураси ишчи гуруҳи Шаҳридон туманида Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2000-2005 йилларга мўлжалланган тadbирлар дастури қай даражада бажарилаётганини ўрганиб чиқди.

— Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни таҳлил қилганимизда аксарият ҳолларда ўқимай-ишламай юрган мактаб битирувчилари жиноятга қўл ураётганлари маълум бўлди, — дейди вилоят прокурорининг ўринбосари Н.Қурбонов. — Вилоятда ўтган йилга нисбатан ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик 121 тага камайган бўлса-да, бу бизни мутлақо қониқтирмайди. Биронта ўсмирнинг тақдирига бефарқ қарай олмаيمиз. Шаҳридон туманида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига топшириқлар бериб, 332 нафар ўсмир ишламай, ўқимай юрганлигини аниқладик. Туманда 1312 та корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари ва тadbиркорлар билан сўхбатлашдик. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ёшларни ишга қабул қилиш бўйича таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Шу билан бирга бекор

прокурорининг ўринбосари Н.Қурбонов. — Вояга етмаганларни касбга йўналтириш, ишга жойлаш билан мунтазам шуғулланамиз, бу соҳани доимий назорат қилиб борамиз...

Сир эмас, ёшлар корхоналари иш сўраб борганларида қўлларидан бирон-бир хунари бўлмагани учун кадрлар бўлими мутасаддилари гапни калта қиладилар. Тажрибали мутахассисларни, малякали ишчиларни биринчи навбатда ишга оладилар. Рад жавобини олган, ҳали дунёқараш шаклланиб улгурмаган ўспиринлар бекорчилик оқибатида гиёҳфурӯшлар, ақидапарастларнинг тўрларига илинишлари ёки бошқа жиноятлари содир этиш эҳтимоли ҳақида ўйлаб ўтирмайдилар. Вилоят прокуратураси ходимлари иш берувчиларни ёшлар тақдирини ҳақида жиддий бош қотиришга даъват этишди ва бу илк самарасини бераяпти.

Бошқа вилоятларда ҳам ўқимай, ишламай юрган ўсмирларнинг тақдирини борасида андижонликлар каби қайғурсалар, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар камайиб бориши мукаррар.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**  
“Ҳуқуқ” мухбири



Суратда: Тўртқўл туман прокурори Фаҳридин Нуридинов ва туман ИИБ бошлиғи Икромбек Сержановлар тумандаги 5-ўрта мактабда вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида сўхбат ўтказмоқда.

## ФАОЛИЯТГА НАЗАР

# ПРОКУРАТУРА — НАЗОРАТ ОРГАНИ

Илгари прокуратура деганда одамларнинг кўз ўнгига «жазоловчи орган» гавдаланар эди. Бунга прокуратура билан халқ ўртасидаги муносабатларнинг «ёпиқ»лиги сабаб бўлган бўлса керак, назаримда.

Бугунги вазият бутунлай бошқача. Хозирда оммавий ахборот воситалари кўмагида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш прокуратура идоралари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири. Халқ билиб айтади: бир ишни қилиш билан бирга қилинган ишни жамоатчиликка кўрсата олиш ҳам керак.

Шу ўринда жамоатчиликка ахборот бериш тариқасида айтадиган бўлсак, 2000 йилда республика прокуратура идораларига 64744 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Бу 1999 йилга нисбатан 3545 тага ортқидир.

Бу ҳолат, албатта, прокуратура идораларига нисбатан фуқароларнинг ишончи ортганлигини кўрсатади. Шу даврда 2700 дан ортқ фуқаро марказий мақомада шахсий қабулда бўлган. Уларнинг аксарияти Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан эди. Мамлакат миқёсида оладиган бўлсак, 50 мингга яқин фуқаролар прокуратура идораларида шахсий қабулда бўлган. Қабулда бўлган ҳар бир киши камида битта қонун бузилиши ёки ҳуқуқбузарлик юзасидан арз қилиб келганини ҳисобга олсак, жойлардаги қонунчиликнинг ахволи ҳақидаги тасаввуримиз бироз ойдинлашади. Тўғри, шикоятчи ҳар доим ҳам ҳақ бўлавермайди.

Бироқ, шикоятчиларнинг ҳақли талаблари ҳам талайгина. Мисол учун Бухоро вилоятидаги «Абдулбобо» фермер хўжалиги бошлиғи Ш.Шодиевнинг «Бухороб» ҳиссадорлик жамиятига топширган пахтаси ҳисобига кўнжара ва мол озқаси ололмаётганлиги ҳақидаги важи текширишда тасдиқланиб, айбдорларга нисбатан прокурорлик таъсир чоралари қўлланилиб, фермернинг талаби қондирилган. Ш.Шодиевнинг муаммоси мамлакатимиздаги қўлаб фермерларга ҳосид ва бу ҳолат аксарият хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатларга ҳали тўла кўниб кетмаганлигини кўрсатади.

Мустабид тузумдан қолган яна бир иллат шуки, «Фуқароларнинг муносабатлари ҳақида»ги қонуннинг 8-моддасига зид равишда айрим ҳолларда ариза ва шикоятларни хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят қилинаётган орган ёки мансабдор шахснинг ўзига текшириш учун юбориш ҳоллари ҳам учраб турибди. Жумладан, Сурхондарё вилояти Уэун туманидаги «Жончекка» фермер хўжалиги бошлиғи К.Дўстназаровнинг туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарининг ноқонуний ҳаракатлари устидан ёзган аризаси текшириш учун мазкур уюшмага жўнатилган.

Юқоридаги қонуннинг 7-моддасига биноан кўриб чиқилган муносабатлар ҳақида шикоятчиларга хабар берилиши шарт. Бироқ Сарийосё туманида фуқаро О.Жўраев, Ж.Хўжаев, А.Зокировларнинг муносабатларини ҳал этган А.Уроқов, фуқаро Норқулваннинг аризаси бўйича текширув ўтказган Бойсун туман прокурорининг ёрдамчиси О.Қўлдошев бу ҳақида аризачиларга хабар бермаганлар. Бу хатти-ҳаракат ўз навбатида прокуратура идораларига муаллифлардан қайта шикоят келиб тушишига сабаб бўлган.

Фуқаролар прокуратура идораларига ўз ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида қарар эканлар, бу ишончга лойиқ бўлишимиз керак. Бунинг учун биздан вазифамизга жиддий ёндошиш, иш жараёнида қонунларга ва ички тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

**О.КОСИМОВ,**  
Республика прокуратурасининг  
Фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси

## ИНСОНИЙЛИК БУРЧИМИЗ

Табиат онамиз, дея эътироф этамиз. Бироқ тилимиздаги бу таъкид дилимизда акс-садо берадими? Табиатни онамиздай ардоқлай-мизми? Тарих сабоқлари, табиатга қилган зулмимиз оқибатида чеккан жабру жафоларимиздан хулоса чиқара олдими? Бугун табиатнинг бир бўлаги бўлиши ўрмонларимизни қандай асраямиз? Афсуски, бугун айрим юртдошларимиз фақат ўзларини, бугунини ўйлайдиган бўлиб қолишган. Табиатга муносабат борасида ҳам шундай дейиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Орол-бўйи табиатни муҳофаза қилиш туманлараро прокуратураси умумий назорат тартибда ўтказган текширишларда ўрмонларга, атроф-муҳитга гайриқонуний муносабатда бўлиш ҳолларини аниқлади.

Ўтган йили Нукус тумани ҳудудидаги тўқайзорларни қонунсиз қесвиш, ўт кетиши оқибатида 10 миллион сўмдан ортқ, Хўжайли туманида 5 миллион сўмдан зиёд зарар етказилган.

Ёнғин кўпроқ қишлоқ хўжалик қорхоналари ихтиёридаги тўқайзорларда учрамоқда. Дейлик, Бўзатов туманидаги «Эркиндарё» ширкатлар бирлашмаси ихтиёрида 2730 гектар тўқайзор мавжуд. Афсуски, хўжалик бу тўқайзорларни муҳофаза қилиш борасида бирон-бир амалий чора қўлмаган. Натихада ўтган йилнинг биргина апрель ойида бу тўқайзорларда икки мартаба ёнғин пайдо бўлган.

Ширкатлар бирлашмасининг О.Машарипов бошлиқ бригадаси ишчиси Ж.Тлеубоев эътиборсизликка йўл қўйганлиги оқибатида 43 гектар жойдаги тўқайзор ёнғин ичида қолиб кетган ва табиатга 555 минг сўмлик зарар етказилди.

Биз бу фактлар асосида тергов ишлари олиб бордик ва

## СЕМИНАР

Тошкент вилоят хўжалик суди ташаббуси билан Бўстонлиқ туман ҳокимлигида «Қишлоқ хўжалигида деҳқон-фермер хўжалиқларининг шартнома ҳуқуқи» мавзусида очик семинар ўтказилди.

Семинарда Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари Ш.Рўзиназаровнинг ўшбу мавзудаги маърузаси тингланди. Йўғилишда вилоят хўжалик судининг судьялари деҳқон-фермерларга шартномалар тузиш хусусида маълумот бердилар.

**Д. ЖўРАЕВА,**  
журналист

## ТАДБИР

## ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

Авалло, Омбудсман ҳақида икки оғиз сўз. Омбудсман — жаҳон ҳамжамиятида қабул қилинган термин бўлиб, барча мамлакатларда бир хил маънони — инсон ҳуқуқлари бўйича вакил маъносини англатади. У илк бор 1809 йили Швецияда вужудга келган. Ўзбекистонда эса собиқ иттифок давлатлари ичида бешинчи бўлиб ана шу масала бўйича қонун қабул қилинган.

Яқинда Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова бир гуруҳ ходимлар билан Фарғона водийсига ташриф бурди.

Ўшбу гуруҳ вилоят прокуратурасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, суд, адлия ходимлари билан мулоқот ўтказди.

— Бизнинг тақлифимиз билан вилоятларда Инсон ҳуқуқлари вакиллари тайинланмоқда, — деди С.Рашидова. — Жумладан, Фарғона вилоятида ўшбу лавозимда тиббиёт институти ректори Ю.Нишонов жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётти.

Хозир биз жойларда икки масалани: Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисидаги қонун қандай бажарилаётганлигини ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганмоқдамиз. Бундан ташқари, ҳар йили ижтимоий тадқиқотлар ўтказамиз. Бизга келаётган хат ва аризалар таҳлили жойларда қонунларга тўлиқ риоя қилинмаётганлигидан далолат беради. Ўтган йили ташкилотимизга келган 5225 та аризанинг 270 дан ортқиги Фарғона вилоятдан юборилган. Ўнг кўп шикоятлар судларнинг ҳужм ва қарорлари устидан тушмоқда. Суд ислохотлари бу борадаги қонун бузилишларини камайтиради, деган умиддамиз.

Учрашув якунида Фарғона вилояти прокурори Ю.Абдукаримов инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида вилоят прокуратураси амалга ошираётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

**Муродил ФОЗИЛОВ,**  
Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Айни кунларда мазкур жараён давом этмоқда.

Нукус тумани ўрмон хўжалиги қорхонасида тўқайзорларни асраш, қўриқлаш, кўлайтириш ва оқилона фойдаланиш жараёни текширилганда ҳам қатор қонунбузарликлар аниқланди.

Жумладан, бир гуруҳ мансабдор шахслар ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳудуддаги дарахтларни қесганлар ва сотиб пулларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлар. Оқибатда табиатга 3 миллион 118 минг сўмлик зарар етказилган.

Ёнғиндан сақлаш ишлари талаб даражасида олиб борилма-

# ДАРАХТЛАРНИ КЕСМАНГ!

## УЛАР ҲАМ ТАБИАТНИНГ БИР БЎЛАГИМИР

айбдорлар қонуний жазога тортилдилар. Келтирилган зарарлар айбдорлардан ундириб ёниб қол бўлган.

Ўтказилган текширишларда шунингдек, республика ҳудудидаги 10332 гектар майдондаги ерлар ҳар хил қишлоқ хўжалик қорхоналари балансида қолиб кетганлиги, улар Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси ўрмон фондида қирмай қолганлиги маълум бўлди.

Шу боис Оролбўйи табиатни муҳофаза қилиш туманлараро прокуратураси Тўртқўл, Қўнғирот, Нукус, Бўзатов, Хўжайли ва Шўманой туман ҳокимлари номига қонунбузарликларни бартараф қилиш ҳақида тақдимномалар киритди. 20 дан зиёд қишлоқ хўжалиги қорхоналари раҳбарларига қонунбузарликларни зудлик билан бартараф этиш ҳақида амрномалар киритилди.

ганлиги сабабли «Сомонбой» ҳудудидаги тўқайда ўт кетиб, 2,9 гектар майдондаги дарахтлар ёниб қол бўлган.

Тўпланган далиллар асосида А.Соатдинов ва унинг ҳамтовокларига нисбатан айблов эълон қилинди ва улар судга берилди.

Кўрииб турибдики, табиатга гайриқонуний муносабатда бўлиш ҳоллари учраб турибди. Ўз ҳуқуқ-ҳаловатларини ўйлайдиган қалбаки инсонлар табиат олдидаги бурч ва мажбуриятларини унутиб қўймоқдалар. Ваҳоланки, табиат Ватанининг бир бўлаги ҳамдир. Ватанининг бир сижим тупроғи, биргина дарахти ҳам азиздир. Уни авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

**Маҳмуд ИСМОИЛОВ,**  
Оролбўйи табиатни муҳофаза қилиш туманлараро прокурори



Суратда: Бухоро вилоят, Бухоро туман прокуратурасининг терговчиси А.Қўлиев (чапдан), адвокат О.Манглиев ҳамда вилоят прокурорининг ёрдамчиси И.Каримовлар жипоит ния юзасидан фикр алмашмоқдалар. **Р.АСЛАНОВ** олган сурат

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Термиз Давлат университетига ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳри прокурори С.Омонниёзов ва шаҳар ИИБ бошлиғи Б.Бекназаровлар «Талаба ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммолари» ва «Диний экстремизмга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги вазифалар» тўғрисида маъруза қилдилар.

Сўзга чиққанлар талаба ёшлар орасида қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг пайини қирқиб боради амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Йўғилишда талаба кенг жамоатчилик, ҳусусан ёшлар билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳамкорлигини янада яхшилаш тадбирлари белгиланди.

(ўз мухбиримиз.)



ХУКУКИЙ
Маслаҳатхона
САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

ЗАРАРЛАРНИ УНДИРИШГА ҲАҚҚИМ БОРМИ?

Раҳбариятнинг буйруғи билан ноҳақ ишдан четлатилиб, уч йил давомида ишсиз юрган давримда кўрсан моддий ва маънавий зарарни ундиришга ҳаққим борми? Корхона директорининг буйруғини-чи, уни ноқонуний деб топши мумкинми?
Ушбу масалани уч йилдан кейин судга арыз қилсам, муддат ўтган, деб даъвом ишобатга олинмаслиги мумкинми?
Агар мен аввалги ишгама тиклансам, лекин айни пайтда бу иш соғлиғимга тўғри келмаса, нима қилишим мумкин?

Кўпалбой ҚАРИМОВ,
Корақалпоғистон Республикаси,
Элликқалъа тумани

ЗАРАРЛАР ҚОПЛАНИШИ ЛОЗИМ

Меҳнат кодексига мувофиқ меҳнат шартномаси тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.
Шартнома иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганида унинг ҳаракатлари асосли бўлиши шарт.
Иш берувчининг бундай ташаббуси қонуний қуйдаги талабларига мос бўлиши лозим:
а) технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сонининг қисқариши ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;
б) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;
в) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда ёки бир марта кўпол равишда бузганлиги;
г) меҳнат шартлари асосида ўриндошлик йили чеклиниши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши;
д) мулкдорнинг алмашилиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги.
Ушбу ҳолатлар юзага келганда иш берувчи ходимни бу ҳақда олдиндан огоҳлантиради ёки огоҳлантириш муддатини компенсация билан қоплайди.
Агарда жамоа шартномасида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинаётганда касабда уюшмасининг розилиги олинмиши назарда тутилган бўлса, бундай розилик олинмай туриб, меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин эмас. Фақатгина корхонанинг тугатилиши ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.
Агар меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги аниқланса, бунинг натижасида ходимга етказилган зарар иш берувчи томонидан тўлиқ қопланиши лозим. Зарар таркибига мажбурий прогнүл вақтида олинмаган иш ҳақи, ходимнинг ғайриқонуний қарор устидан шикоят қилиши билан боғлиқ ҳаражатлар (мутаяссислардан маслаҳат олиш, иш юриштиш учун кетган ҳаражатлар ва бошқалар) ва маънавий зарар кирради.
Маънавий зарар учун тўланадиган компенсация миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатини ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади ва бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас. (МК 112-модда)
Ходимнинг илтимосига кўра, суд уни ишга тиклаш ўрнига юқориди айтиб ўтилган зарардан ташқари, уч ойлик иш ҳақи миқдориди ҳақ ундириб бериши мумкин. Ишга тиклаш ҳақиди судга ғариқонуний деб ҳисобланаётган қарор чиқарилган пайтдан бошлаб 3 йил ўтганидан кейин мурожаат қилинса, суд даъвоининг қонунда белгиланган уч йиллик муддатни ўтказиб юбориши узрли деб топса, уч кўриб чиқилиши мумкин.
Агар тиббий ҳулосага кўра ходим аввалги ишини давом эттириши мумкин бўлмаса, иш берувчи унга мутахассислиги ва малакасига тўғри келадиган вазифани, бунинг иложи бўлмаганда, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Агар ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортса ёки корхонада унга мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

СУДЬЯНИНГ ҚАРОРИ ТЎҒРИМИ?

Турмуш ўртоғим 1999 йил январь ойида ўз ихтиёри билан 2 нафар воёга етмаган болаларимизни олиб уйдан чиқиб кетиб, ҳозирча онасининг уйида яшай келяпти. У орадан ўн етти кун 22 ой учун нафақа талаб қилиши мумкинми? Бунда давлат божини қим тўлайди? Биз биргаликда яшаган ер участкаси, менинг номимга никоҳимизгача давлат томонидан берилган. Ер умумий мулк ҳисобланадими? Мулк бўлишганда болаларнинг ҳақини ҳам хотиним мажбурий ҳолатда ўзига талаб қилиб олиши мумкинми? Биз яшаган ҳолатдаги қурилиш материалларининг 95 фоизини одам берган. Бундан ташқари дадам усталарнинг иш ҳақини ҳам ўзи тўлаган. Биз дадам билан ҳеч қандай ҳисоб-китоб қилмаганмиз. Уйга дадам ҳам даъвогар ҳисобланадими? Бунга қандай ҳужжатлар билан ишобатлаш мумкин? Судья эса умумий мулк, деб қарор чиқармоқда. Шу тўғриси?
Ҳамиджон УМАРОВ,
Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани

ИККИ ОЙЛИК НАФАҚАНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

"Даракчи" газетасининг 2000 йил 11 май сониди берилган "Хуқуқингизни биласизми?" руқни остидаги савол-жавоб эътиборини тортиди. Унинг мазмуни тубандигача эди: "Ишлаётган нафақахўр меҳнат ишлайди икки ой учун ўз нафақасини тўлиқ миқдорда олишга ҳаққи бор экан. Шу гап ростми?" Ушбу сўроғга "Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1996 йил 2 мартдаги расмий хатига асосан ишлаётган нафақахўр 2 ой давомида нафақасини тўлиқ миқдорда олишга ҳақлидир. Қолган даврда нафақа ҳар ойда 50 фоиз миқдорда тўланади", деб жавоб берилган.
Газетадаги ушбу материални олиб туман халқ таълими бўлимига бордим. Маорифчилар "бизга молия бўлими ажратса, биз тўлайвера-миз", дейишди.
Шундан сўнг мен туман молия бўлимига хат орқали мурожаат қилдим, лекин жавоб ололмадим. Молия бўлимига берганимда эса: "Материал газетани тўлдирш учун ёзилган. Биз бунга асосланиб нафақа тўлай олмаимиз", дейишди.
Агар юқориди кўрсатма ҳозир ҳам амалда бўлса, бизга икки ойлик нафақамизни тўлиқ олишга ёрдам беришларингизни илтимос қиламиз, деб ишлаётган нафақахўрлар номидан
Т.ШУКУРОВ,
Қашқадарё вилояти

МУМКИН. АГАР ШАРТНОМА БЎЛСА

Ҳақиқатан ҳам, шундай тартиб мавжуд. Лекин бу қоидага мувофиқ, ишлайдиган нафақахўрлар 100 фоиз миқдориди нафақани фақат икки ой муддатгагина (маълум бир ишни бажариши ва х.к) тузилган меҳнат шартномалари бўйича олишга ҳақлидирлар.
Агар нафақахўр икки ойдан кейин ҳам меҳнат фаолиятини давом эттириш истагини билдирса, муддатли меҳнат шартномаси бекор қилиниб, янги шартнома имзоланиши лозим. Борди-ю бундай меҳнат шартномаси бекор қилинмай, томонлар ўртасиди меҳнат муносабатлари давом этаверса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади ва 100 фоиз миқдорда тўланган нафақа ортқича тўланган деб топилиб, у белгиланган тартибда қайтарилиши лозим.

ИМТИЁЗ БОРМИ?

Менинг амаким Комилжон Содиқов Балиқчи туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалсининг Файзиобод қишлоғида яшайди. Мен эсимни танитганимдан бўён амаким колхозда устачилик қилиб, кейин Балиқчи туман МПМКга ўтиб, то қарилик нафақасига чиққунда қадрлар шартномасида 35 йил меҳнат қилди. Яхши меҳнати туғайли бир неча марта орден ва медаллар билан мукофотланган.
Яқинда амакимнинг уйига ўт тушиб, ёниб кетганини эшитиб, ҳол-аҳвол сўрагани бордим. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтириб, гап нафақага келганда бор йўғи 4 минг сўм билан пенсияга чиққанлигини, ҳозир эса нафақа пули 6 минг сўмдан зиёдроқ эканини айтди.
Бир жойида узоқ йил ишлаб, бир нечта орден-медаллар билан тақдирланганини ҳисоба олиб, шу одамнинг нафақасини юқори даражага кўтариш мумкинми?
С.СОДИҚОВ,
Андижон вилояти Улуғнур тумани
"Оқолтин" ширкатлар уюшмаси

ПЕНСИЯ ТЎҒРИ БЕЛГИЛАНГАН

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги С.Содиқовнинг аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қилады.
К.Содиқовнинг пенсия иши ҳўжатлари бошқарма томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. У кишининг умумий иш стажи 45 йилдан ортқ бўлгани ҳолда, пенсияси миқдори ҳозирги кунда 6350 сўм 82 тийин деб тўғри ҳисоблаб белгиланган.
2001 йил 19 февраль куни Балиқчи туман ижтимоий таъминот бўлими ҳуқуқшунос Г.Мадраҳимов, катта мутахассис М.Ҳолмуродов, Ҳўжабод қишлоқ фуқаролар йигини раиси котиби А.Чинбердиев, Файзиобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси котиби Б.Қамбаров ва шу маҳаллада яшовчи фуқаро Т.Аҳмедовлар К.Содиқовнинг ҳонадони ҳақида таширфи буюришиб, у киши билан суҳбат ўтказганларида, у киши бутунги кунда 6350 сўм 82 тийин миқдориди пенсияни ҳар ойда олиб туриши маълум бўлди.
Р.ХОЛМУРОДОВ,
бошқарма бошлигининг ўринбосари

УЛУШНИНГ ТЕНГЛИГИ ЧЕКЛЕНИШИ МУМКИН

Алимент олиш ҳўқуқиға эға бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳўқуқи вужудга келган пайтдан бошлаб, қанча муддат ўтганидан қатъий назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат этишга ҳақли. Алимент эса даъво тақдим этилган кундан бошлаб ундирилади. Бунда давлат божиди кўчуви томонидан тўланади.
Жавобгарнинг алимент тўлашдан бош тортгани, даъвогарнинг оилани қалбақ қилиш мақсадиди ёки бошқа узрли сабаблар билан ўз вақтида даъво қилмаганини суд жараёнида аниқланса, суд иш ҳолатларига қараб ўтган вақт учун, аммо уч йилдан ортқ бўлмаган муддатга алимент ундириши мумкин. Никоҳ бекор қилинган ва никоҳ бекор қилинганга қадам ҳам эр-хотин ўртасиди умумий мулк ихтиёрий равишда, низо келиб чиққан ҳолда эса, суд орқали билиниши мумкин. Умумий мулк никоҳ қайди этилгануна ва никоҳ даврида орттирилган бўлиши мумкин.
Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр-хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли ҳозорлар, омонатлар, никоҳ давомида орттирилган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари қимнинг номига ёки қайси бири томонидан қиритилган бўлишдан қатъий назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.
Мулки бўлиши низо келиб чиққан тақдирда, эр-хотиннинг мол-мулкдиғи улушини аниқлаш суд орқали амалга оширилади. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдиғи улушларини аниқлашда, агар никоҳ шартномаси тузилган бўлиб, унда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлса, уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади. Суд воёга етмаган болаларнинг манфаватларидан, эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаватини ҳисобга олиб, журамадан, агар эр ва хотин ўрзис сабабларга кўра даромад олмаган, улардан бири оила манфаватларига зарар етказган ҳолда мулкини сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдиғи улушининг тенглиги чекланиши мумкин.
Никоҳ бекор қилинганда умумий мулк тенг улушларда бўлиниши лозим. Бунда мулк ўртада тенг бўлиниши ёки бўлинаётган мулк қисмининг ўрни компенсация тўлаш йўли билан қопланиши мумкин.

«ALOQA INK» ХИЗМАТИНГИЗДА

Суҳбатдошимиз Амир Гадоев 1960 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, олий маълумотли ҳуқуқшунос.
Москвадаги Халқлар дўстлиги университетини тамомлаган.
Хизмат фаолиятини Тошкент вилояти Адвокатлар коллежисига қошидаги юридик маслаҳатхонада адвокатликдан бошлаган.
"Язекс" қўшма корхонасиди ҳуқуқ бўйича бошлик, "Франс Азия" қўшма корхонасиди директор вазифаларида хизмат қилган.
Ҳозирги кунда "Алоқа INK" адвокатлик фирмаси директори. Ойилли, икки ўғил ва бир қизи бор. Шуни ҳам алоқиди таъқидлаш лозимики, 17000 аъзоси бўлган Халқаро адвокатлар коллежисига ҳозирда Ўзбекистон бўйича 3 нафар ҳуқуқшунос аъзо. Улардан икки нафари "Алоқа INK"да фаолият кўрсатишмоқда. Улар Амир Гадоев ва фар номзоди Ҳосил Ҳакимовдир.



— Амир Ҳўрабович, "Алоқа INK" фирмасининг фаолияти ҳақида тўхталсангиз.

— Истиклолга эришганимиздан сўнг адвокатура соҳасиди Президентимизнинг бир қанча фармонлари чиқди. 1998 йилда эълон қилинган "Адвокатлар фаолиятини кенгайтириш тўғрисида" ги фармон бизларга катта имкониятлар яратиб берди. Шу сабабдан фаолиятимизни "Алоқа INK" адвокатлар фирмасини очтидан бошладик. Унинг асосий вазифаси шартнома асосиди корхона, ташкилот ва фуқароларға ҳўқуқий маслаҳатлар беришдир. "Алоқа INK" адвокатлар уюшмаси ҳаммиса миҳозлар билан гаважум, чунки бизда хизмат кўрсатиш юқори даражада йўлга қўйилган. Миҳозларға яқиндан ёрдам кўрсатиш мақсадиди Тошкент шаҳри ва вилоятида, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасиди ўз бўлимиларимизни очганимиз.

— Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа қандай ишларни режаляштирган?

— Бизнинг ҳам ҳозирги мақсадимиз юқориди таъқидлаб ўтган вилоят ва туманлардиғи бўлимиларимиз юқори савиядаги мутахассислар билан таъминлаш, чет элларға малакасини оширишға юбориш ҳаракатидимиз. Хорижда тахсил олиб келган мутахассисларимизни халқаро адвокатлар ассоциациясига аъзо қилиш соҳасиди ҳам иш олиб бормоқдими.

Фуқароларимизнинг ҳўқуқий маданиятини, ҳўқуқий билимларини ошириш керак. Бу жараёнда оммавий аяборот воситаларининг роли катта, шу боисдан бизнинг ҳам келажакда тахририят очиш ниъятимиз бор. Бу эса демократик ҳўқуқий жамятда яшаётган юридик ва жиҳсоний шахсларнинг етарли даражада ўзақ-ҳўқуқларини билиши ва мавжуд қонунларға амал қилишға туртки бўлади, деган умиддамиз."

"Алоқа INK" корхона, ташкилот ва фуқароларға ҳўқуқий маслаҳат ва хизмат кўрсатишға ва ёрдам беришға ҳаммиса тайёр.
Манзил: Тошкент ш. А.Емуру қўчаси, 24.
Тел.: (998-71) 139-23-51.



**ОГОҲЛИК**

# ЭКСТРЕМИЗМ ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

**Мамлакатимизнинг озодликка эришуви осойишта кунларимизнинг кафолати бўлди. Аммо давлатимизнинг кундан-кунга гуллаб-яшнаши, халқимиз турмуш тарзининг юксалиб бориши айрим ёмон ниятли кишиларга ёқмай қолди. Улар ўзларига муқаддас динимизни ниқоб қилишиб, турли йўллар билан тинчлигимизга таҳдид сола бошладилар.**

Диний экстремистик оқимлар баъзи бир гўр ёшларни ўз Ватанига, қондошига, жондошига қарши қурол кўтаришга ундадилар.

Бу жирканч кимсаларнинг асл мақсадлари ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, конституциявий тузумни ағдариб, давлатни қўлга олиш эканлигини бугун кўпчилик яхши билади.

Экстремистик гуруҳларнинг ҳали ҳам пайт пойлаётгани сергакликни янада оширишимизни талаб қилади. Бу борада айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасида катта масъулият бор.

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан диний экстремизм, терроризмга қарши кураш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, таъқиқланган адабиёт ва варақаларни вилоятимиз худудларига олиб кириш, чоп этиш, сақлаш ва тарқатишнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда, қонунбузарликларга сабаб бўлаётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан прокурорлик таъсир чоралари қўрилмоқда.

Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Вилоят прокурорининг буйруғига биноан шаҳар-туман прокурорлари томонидан вилоятнинг барча маҳаллаларини камраб олувчи кенг қўламли тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Маҳкама ходимлари эса вилоятнинг барча олий ўқув юртлири, ўрта махсус билим юртлири, коллеж ва лицейларда бу мавзуда учрашувлар ўтказмоқдалар.

Вилоят прокуратураси узоқ муддатларга яшаш жойидан кетиб қолган шахсларнинг қаердалигини, уларнинг кетиб қолиш сабаблари, диний экстремистик оқимларга муносабатларини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу муҳим тадбирни ўтказишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳалла фаолларининг ёрдами қўл келмоқда.

Яқинда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан экстремистик гуруҳларга аъзоликда гумон қилинаётган Алишер Машарипов қўлга олинди.

У 1989-1995 йилларда Тошкент давлат архитектура институтида таҳсил олади. Талабалик даврида намоз ўқишни ўрганади. 1996 йили Лайло исми аёлга уйланади. Лайлонинг оила аъзолари ҳам дин "пешво"ларидан эди. Шу тариқа Алишер ваҳобийлик оқимига қўшилиди. Оқибатда, 1998 йили Чеченistonнинг Шали қишлоғидаги ҳарбий ўқув базасида ҳарбий тайёргарликдан ўтади. Экстремистлар орасида "Усон" лақаби билан танилади.

Тайёргарликдан ўтиб бўлган, бошқа ёшларни ҳам ваҳобийлар сафига қўшиб, йўлдан уриш, мустақил давлат тизимини ағдаришга хизмат қилиш ниятида Хоразмга қайтади.

Ёмонлик қандай ниқобланмасин, ҳар қанча кучли қуролланмасин барибир энгилади. Алишер ҳам ўз қабиҳ ниятларига етолмади. Қонун посбонлари томонидан қўлга олиниб, тегishли жазога тортилди.

Эндиликда террорчилик ҳаракатларини бартараф қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар етарли мавқега эга бўлдилар. Қолаверса, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши қонун ҳимоячиларининг бу борадаги вазифаларини янада равшан кўрсатиб беради. Мазкур қонунда терроризмга қарши курашнинг асосий тамойиллари, террорчилик фаолиятининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, Республика давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси, Мудофаа ва Фақуллода вазиятлар вазириликларининг ваколатлари белгилаб берилган.

**Баҳодир САРДОРОВ,**  
Хоразм вилоят  
прокурорининг ёрдамчиси

**ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИДА**

Қадрдон дўстларимдан бирининг фожеали ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар эшитдим. Автомобиль ҳалокатига учрабди. Юрагимни оғир тош босгандай бўлди. Қизиқ, кечагина ҳаёт завқи билан яшаган одам бугун орамизда йўқ. Бир кам дунё экан. Дарахтни ўтин қилиб гулханда ёқадилар. Ундан бир уюм кул қолади. Инсондан-чи? Яхши ва ёмон хотиралар...

Дунёга мангу устун бўламан деган инсонлар ҳам охир-оқибат ер остидан жой оладилар. Одамзоднинг олтин-кумуш тўйдирмаган кўзини бир ҳовуч тўпурқ тўлдирди. Шунинг учун ҳам босар-тусарини билмай қолган кишиларни оёғи ердан узилибди, дейишди. Одамнинг оёғи ердан узилгани...

Жанозага бордик. Ичкарига кирдим. Майит ётган хонада ака-укалари, энг яқин одамлари — уч-тўрт киши кўз ёш қилиб туришибди.

Унинг чеҳрасига нигоҳ ташладим. Беғубор ва самимий қиёфаси янада тиниқлашгандай, худди бир зум мизғиб олиш учун кўзларини юмгандай эди у. Томоғини қайноқ, аччиқ бир нарса куйдирди. Шу тоба одам одамга ганимат деган гапнинг маъносини англагандай

бўлдим.

Фасол келди. Майитни алоҳида хонада сўсқилдирди. Тобутни олиб келишди. Оппоқ қафанга ўралган майитни қўйишди. Хотини байрамга атаб олинган, эри хали бирор марта ҳам киймаган яп-янги костюмининг тобути устига ташлади. Аёллар уввос солиб йиғлашди. Эркаклар эса овоз чиқармай ичларидан унсиз фарёд чекдилар. Одамлар сафга туриб, мулла жаноза ўқий бошлади:

"Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!" Ҳаммаёк жим-жит бўлиб қолди. Мулланинг овози, ўгли қироваги чўғ бўлиб булутларни тешиб ўтди. Осмонни фалакка, Яратганнинг даргоҳига етди... "Яна бир ожиз бандангни панохингга ол, Парвардигор Эгам!"


Жаноза намози ўқиб бўлинди. Одамлар кўзгалашди. Тўрт киши тўрт тарафдан ўтиб тобутни кўтарди. "Уй эгаси" ланг очик дарвозасидан сўнгги марта чиқди.

Қабристон. Қизиқ, фақат шу ердагина тириклар бир-бирига меҳр-оқибатлироқ бўлади. Мулоқим оҳангда сўзлашадилар, оқибат ҳақида ўйлайдилар. Ўзларининг бу фоний дунёда меҳмон эканликларини тан олишади.

Гўрков янги қазилган гўрни кўрсатди. Майитни қабрга қўйдилар. Мулла "Курьон" тиловат қила бошлади. Мангулик салтанатининг фуқаролари яна биттага қўпайди. Ким бўлади, бу нечанчиси экан? Бу ёлғиз Яратгангагина аён.

Одамлар майит чиққан уйга қайтилди. "Сураи таборақ" ўқилди. Марҳум яна бир қарра ёдга олинди.

Бу дунёга келиш-кетиш инсонга азалий қисмат. Одамзодга жон ато



Рисовки: Р. ЭШИМУРОВА

## ДАФН МАРОСИМИ

### ёхуғ косага томган кўз ёшу

этиш ҳам, уни олиш ҳам ёлғиз Аллоҳнинг ихтиёрида. Одам боласи Афлотундай дониш бўлганда ҳам эртага нима бўлишини билмайди. Инсон қазоси етиб ўлгач, уни расм-русум бўйича дафн қиладилар. Аммо, шу расм-русумлар таомилдагидай бўлаётганми?

Жанозадан кейин турли маъракалар бошланиб кетади: бир ҳафталаб фотиҳа, марҳумнинг еттиси, йигирмаси, қирқиди ош тортишлар, кейин эса йил оши ва ҳоказолар. Бу сал ночорроқ хонадонларнинг белини синдиради, қийнаб қўяди.

Баъзан ака-укалар ўртасида жанжал чиқади. Укаси "отамнинг олдинги маврудида икки қозон ошининг харажатини мен кўтарувдим. Энди навбат сеники" деса, акаси "отамдан қолган бойликни сен олдинг, энди харажатларини-ям ўзинг қилавер" дейди. Энг ёмони, эри ўлгач дунёга сиғмай юрган аёлга амма-холалар, почча-тоғалар ёпишадилар: "Эрингизнинг обрўси баланд эди. Эндям унинг иззатини жойига қўйиш керак. Дағин руҳи қирқираб қолмасин". Эри ўлганига қуйиниб юрган аёлнинг қариндошлар уйини қўчириб кетишса ҳам иши йўқ. Кимдир уларга марҳум сенинг ҳам энг яқин хеш-акрабон бўлади, тириклигида фалон ишингга нафи текканди, энди айтаётган дабдабали маъракага кетадиган харажатларнинг бир томонини кўтар деса, тешкари қараб лаб буришади.

Хўш, бундай дабдабозликнинг кимга кераги бор? Наҳотки, марҳумларга ҳурмат қозон-қозон ош дамлаш билан белгиланса?!

Ахир, бунчалик сарф-харажатлардан кейин шу уйдғилар икти-

содий жиҳатдан бир-икки йилда ўзларини ўнглаб олишлари қийин. Ўша хонадондаги болалар қишнинг қор-қировли кунларида ҳам йиртиқ ботинкада, юпун кийимда мактабга боришга мажбур бўладилар-ку. Дарсликлар пулли, бунинг устига қиммат бўлиб кетган бугунги шароитда китоблари ҳам етарли эмасдир. Қани, ўшанда "меҳрибон" қа-риндошлардан биронтаси уларга кийим-бош, китоб олиб берсин-чи? азият чекади-ку.

Энди маъракалар ҳақида гап кетганда шуни айтиш жоизки, Пайгамбаримиз саҳобаларидан бири вафот этганда у кишининг ёр-биродарларига қарата "сизлар марҳумнинг хонадонига уч қунгача егулик овқатлар олиб чиқиб туринглар, чунки уларнинг овқат қилиш кўнглиларига сиғмайди", деганлар ва таъзияни уч қунгача, деб белгиланганлар.

Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги фармонида ҳам тўй-ҳашамлар ва маъракаларда исрофгарчилик ва дабдабозликларга барҳам бериш тўғрисида айтилган. Элнинг оқсоқоллари бу борада бошқаларга ибрат кўрсатсалар яхши бўларди.

Кейинги қуни фотиҳага бордик. Дуои фотиҳа ўқилган, меҳмонларни безатилган дастурхонга таклиф қилишди. Косаларда шўрва тортилди. Шу тоба хаёлга толиб марҳумнинг олижаноб, одамхон инсон эканлиги, энди уни ҳеч қачон кўрмаслигимиз ҳақида ўйлаб ўтиргандим, шўрвадан ичишга таклиф қилишди, хаёлим бўлинди. Косани кўтардим, бир қултум шўрва ютдим. Худди бир қултум кўз ёшини ютгандай бўлдим. Бейхитёр кўзимдан думалаган бир томчи ёш косага томди. Косани охишта дастурхонга қўйдим.

**Даврон СУЛТОН,**  
журналист.  
Кашкадарё вилояти



# ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

## ПРОКУРОР ОЛИЙ ЖАЗО ТАРАФДОРИ



Яманда таъкиқланган исломий гуруҳнинг 5 нафар аъзоси устидан суд бошланди. Гуруҳ аъзоларига Аден шаҳридаги портлашларни ташкил этганлик айби қўйилмоқда. Утган йилнинг охирида гуруҳ аъзолари англикан черкови ва "Саба" ахборот агентлиги биноларида портлатишлар содир этишган эди. Шунингдек, террорчилар "Континентл" меҳмонхонасининг МРБ (ФБР) ходимлари жойлашган қисмини гранатомётдан ўққа тутишган. Ушбу айбловларга кўра, прокурор уларга ўлим жазоси тайинланганини сўрапти.

Айбланувчиларнинг "Аден-Абин Исом армияси" радикал ташкилотига аъзо эканлиги маълум қилинган. Бу радикал ташкилотнинг олдинги раҳбари Зайд Ал-Обиддин Ал-Мухтор 1999 йили 4 нафар хорижлик сайёҳатчиларни ўлдирганликда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинган эди.

## Фойдали МУЗОКАРА

Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ўтган яшанбада Миср президенти Хусни Муборак билан Қоҳирада ўтказган музокаралари ўта муҳим натижа берганини таъкиқлаб ўтди. Турган гапки, Қоҳира учрашувда асосий эътибор Қуддусдаги жожеали воқеаларга қаратилди. Шунингдек, Исроил бош вазири Ариэл Шарон томонидан яҳудийларга мусулмонлар учун муқаддас бўлган Ал-Ақсо масжиди ҳудудларига ўтиш учун изн берилганлиги юзасидан фикрлашди. Утган йилнинг 28 августида Ариэл Шароннинг айнан Масжид Ал-Ақсо ҳудудига қўйган қадами минтақадаги конфликтларнинг портлашига сабаб бўлган эди.

## «ХУҚУҚ» ШАРҲИ

# БАҲОНА АТРОФИДАГИ МОЖАРОЛАР

Хитой ва АҚШ ўртасидаги дипломатик конфликтлар давом этмокда, деб хабар беради Интерфакс агентлиги. Узок йиллик бу конфликтларнинг бирдан намоён бўлиб қолишига "самолёт можароси" аслида бир баҳона бўлди.

Расмий Пекин ҳамон Вашингтондан ушбу воқеа юзасидан расмий тарзда уэр сўралишини талаб қилмокда. Аммо расмий Вашингтоннинг бундай йул тутишга буйни ёр бермапти. АҚШ президентининг миллий хавфсизлик буйича маслаҳатчиси Кондалиса Райсининг фикрича, расмий уэр сўралиши АҚШ нуфузига ярашмаган қадам бўлар экан.

"Бу инқироз қанчалик узокқа чўзилса, унинг ҳал этилиши ва Хитой билан муносабатларда таваккалчиликдан нари бўлиш имкониялари шунчалик камавереди", дейди АҚШ вице-президенти Ричард Чейни.

Бу эътирофлар Хитойнинг "Чайна Дейли" газетасига "АҚШ тутаетган йул тутурқисиз" дея хулоса чиқаришга имкон берди. Уэр сўрашга шошилмаётган АҚШ ҳукумати га жавобан ўз навбатида Хитой ҳукумати хибсга олинган ЕР - 3 Америка ҳарбий самолёти экипажи билан элчилар ўртасидаги навбатдаги учрашувга рухсат бериш ҳақидаги масалани кейинга суриб қўйди. Элчилар гуруҳи ўтган яшанбада Хайнан оролида узун тулни экипаж аъзолари билан учрашувга бериладиган рухсатни кутиб ўтказишига тўғри келди. Хитойдаги АҚШ элчихонаси вакиллари экипаж аъзолари хузурига кириб чиқиш учун рухсат талаб қилмокдалар. Утган вақт мобайнида экипаж аъзолари ўз мамлакатларидан келган дипломатлар билан уч марта учрашиб, суҳбат қилишди. Тўртинчи учрашувга рухсат тегадими-йўқми, ҳозирча номаълум.



Вазиятни таҳлил қилиб, шунчи айтиш мумкинки, ҳар иккала томон дипломатларининг воқеликни тўғри баҳолай олмаганликлари Пекин ва Вашингтон ўртасидаги зиддиятларнинг қуцайишига олиб келмокда.

"Самолёт можароси" сабаб икки томон ўртасидаги "суз уруши" жиддий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмаслиги халқро ҳамжамятини хозирча безовта қилмаётган кўринади.

Эсингизда бўлса, НАТОнинг Югославия ҳудудларидаги тийқисиз ва мантқиқсиз бомбардимонлари чоғида Хитой элчихонаси ҳам АҚШ ҳаво кучларига нишон бўлган эди. Албатта, АҚШ ҳукумати бу англашилмовчилик юзасидан Хитойдан расмий уэр сўраган эди. Шу билан вазият изга тушгандай бўлганди. Лекин Қўшма Штатлар жоус самолётининг Хитой ҳудудига учиб кириши, ҳаводаги тўқнашув чоғида хитойлик учувчининг ҳалок бўлиши янгида зиддият туғилишига туртки бўлди. Катта нуфуз ва нуфус соҳиби, ядровий давлат мақомига эга бўлган Хитой бу ҳатти-ҳаракатларни ўз чегаралари дахисизлигига нисбатан хурматсизлик деб баҳоламокда. Шу билан бирга бу "суз уруши"га тезроқ ижобий ечим топиш чораларини изламокда.

АҚШ ҳукумати ҳам ўз навбатида бу машамаларнинг тезроқ бархам топиши тарафдори. Шундай бўлса-да, АҚШ расмий уэр сўрашга ҳеч бир сабаб йўқлигини, жожеа Хитой ҳудудига эмас, халқро ҳаво кенгликларида содир бўлганлигини тақдорламокда.

Буни кўринки, бутунги манфаатлар дунёсида ҳар қандай масаланинг бир учи иқтисодга бориб тақалаверади. Жаҳон иқтисодига ҳам етакчилик давъогари бўлган АҚШ "самолёт можароси"нинг чуқурлашуви Хитойнинг иқтисодий доиралардан четлашиб қолишига сабаб бўлиши мумкинлигига шавъа қилмокда. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлнинг журналистларга берган интервьюсида бу машамаларнинг кучли асорати савдо-сотикда билиниши мумкин, дея очикдан-очик эътироф этди. Хозирнинг ўзидаёқ бизнесменлар ва парламент вакиллари Хитой ташрифидан бош тортишмокда. Яна бир жиҳат, Америка билан ўзаро савдо-сотикда хитойлик тожирларга берилган божхона тўловларидан соқитлик мақоми бекор қилиниши ҳам Хитой иқтисодига фойда келтирмайди, албатта. Қолаверса, Хитойнинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига қўшилиши масаласи ҳам ҳал этилганча йўқ ҳали.

Бундан ташқари, Хитой бозорларида фаолият кўрсатаётган чет эл компанияларининг аксари Қўшма Штатларга тегишлилиги, уларга берилган имтиёزلарни ҳисобга оладиган бўлсақ, мурса ҳар иккала томонга ҳам зарур эканлиги аён бўлади.

## НАРХ ЎСИШИДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Белорус президенти Александр Лукашенко апрель ойидан бошлаб мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархини оширишни таъкиқлаб қўйди. Оширилган тақдирда ҳам ойига 0,5 % дан юқори бўлмаслиги керак.

Бу ҳақда давлат раҳбари ўтган жума куни маҳаллий

ҳокимият органлари билан бўлиб ўтган йиғилишда маълум қилган.

Александр Лукашенко сўзлари билан айтганда, Белорусдаги нарх-навонинг кескин ўсиб бораётгани, бошқа МДҲ давлатларидаги каби "на халққа, на давлат иқтисодига фойда келтирапти".

## АХБОРОТ ОЛИШ "ЭРКИНЛИГИ"

Душанба куни Приштинадан жануби-шарқроқдаги Косово-Македония чегара ҳудудига минтақадаги Британия тинчликпарвар кучларига қарашли вертолёт кулаб тушган. Британия Мудофаа вазирлиги вакилининг хабарига кўра, вертолёт бортида 7 киши бўлган. Журналистларнинг "Улар орасида ҳалок бўлганлар борми?" ва ҳодисага доир шунга ўхшаш саволлари очиб қолган.

Бу ривожланган Қарбда "ахборот олиш эркинлиги ва қафолатлари" га бир мисол, холос.

## «ҚАЕРДАСИЗ, ХИНДУЛАР?!»

Бразилиянинг Funai хиндулар миллий ассоциацияси мутахассислари жанубий-ғарбий Амазонияда шу кунгача номаълум бўлган хиндулар қабиласи аниқланганлиги ҳақида маълумот тақатди. Албатта хиндулар қабиласи "ок одамлар" ҳақида оз бўлса-да, ахборотга эга бўлишган. Ташки дунёдан узилиб қолган бу қабил аъзоларини Канамар қабиласи ўзларининг куллари деб ҳисоблашган. Уларнинг кулларча меҳнати эвазига кийим-кечак ва бошқа нарсалар бериб туришган.

Funai раҳбари Сидней Поссузулунинг айтишича, бу қабилдагилар цивилизациянинг айрим кўрнишларидан хабардор бўлса-да, ҳамон изоляцияда яшашни давом эттиришмокда экан. "Қашф этилган" қабил аҳақида гапираркан, "бизнинг максадими бундай қабилаларни олтин изловчилар, кул савдоси билан шугулланувчилар ва бошқа қабилалар тажовузидан асрашдир", деб таъкиқлади Funai раҳбари.

## РАВОН ЙЎЛЛАРНИНГ БАҲОСИ

Қозогистон яқин 10-15 йил ичида автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш лойиҳасини амалга оширишга 2 млрд. доллар сарфлашни мўлжалламокда. 3 апрель куни Алматыда Қозогистон транспорт ва коммуникация вазирининг муовини Вадим Зверьков шу ҳақда журналистларга хабар берди.

Бу бежиз эмас. Чунки Евроосиё транспорт йўлагининг бир қисми Қозогистондан ўтиб, Хитойнинг Ляньюньгань портини Россия, Беларус, Польша билан боғлайди. Ўз навбатида мозкур йўналиш Қозогистон учун ҳам гоят фойдалидир.

Вазир муовинининг хабарига кўра, унинг ҳукумати яқин уч-тўрт йил мобайнида темир йўл соҳасидаги лойиҳаларга ҳам 200 млн. доллар сарфламокчи.

## ТЕРРОРЧИЛАР ТАҚДИРИ

Ар-Риёд шаҳридаги Россия элчихонаси Россия бош прокуратураси томонидан тайёрланган ҳужжатлар тўпламини Саудия ҳукумати га топширган. Унга кўра, шу йилнинг март ойида Россияга қарашли Ту-154 самолётини олиб қочган террорчилар Асаев ва Магомизаевлар Мос-қва ихтиёрига топширилиши керак.

Бу ҳақда Россия тошқи ишлар вазирлиги расмий вакили Александр Яковенко хабар берди. Саудия томонининг ишонтириб айтишича, террорчиларнинг экстрадицияси халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

## ҚИДИРУВ ФОЖЕАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Вьетнам-АҚШ уруши тугаганига чорак аср тўлган бўлса-да, бир ярим мингга яқин бедарак йўқолган америкалик ҳарбийлар тақдирини маъхумлигича қолмокда. Вьетнам урушида бедарак йўқолганларни қидириш ва тақдирдан хабардор бўлиш максадига Вашингтон махсус дастур ишлаб чиққан эди. Миллион-миллион маблаг ажратилган бу дастур буйича олиб борилаётган қидирувлардан бири яқинда фожеали яқунланди.

Вьетнам кутқарув кучлари вертолёт ҳалокати туфайли нобуд бўлган 16 нафар ҳарбийнинг жасадини топишди. Парракли машинадагилар Вьетнам уруши йилларида бедарак йўқолган америкалик ҳарбий хизматчиларни қидириш максадига ҳавога кўтарилишган ва ҳалокатга йўлқилишган. Пойтахт Ханойдан 450 км. жанубда жойлашган Кванг Бинг вилоятида содир бўлган ҳалокат 9 вьетнамлик ва 7 америкаликнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.



Ҳалокат сабаблари ҳозирча номаълум, гувоҳларнинг шохидлик беришича, ҳалокат содир бўлган п а й т д а қалин туман тушган. Вертолёт фалати товух чиқариб, одатдан ташқари йўналиш буйича ҳаракатланган. Маҳаллий ҳукумат ҳам ҳалокат сабаби техник носозлик ва ноқулай об-ҳаво деган фикрда. АҚШнинг Тинч океани кучлари кўмондонлиги кулаб тушган вертолёт русуми Ми-17 (Россия маҳсулоти) эканлигини маълум қилган.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси раҳбарияти Республика прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директорининг ҳўжалик ишлари буйича ўринбосари

**Аҳмед АЛИЕВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари, яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

**УЧРАШУВ**

Унинг кўшиқларида самимийлик, дўлворлик яширин. Уларни тинглар экан, киши кўз ўнгига тоғ-тошлар, уларнинг кенг бағрида ёйилиб ўтлаб юрган куй-кўзилар, алвон лолалар барқ уриб ётган тепаликлар, кўм-кўк адирлар жонлангандай бўлади. У кўп нарса ҳақида куйлашга улгурган: ҳар бир инсоннинг бирдан-бир суячиги бўлган ота-она, ҳеч кимга танлаш ҳуқуқи берилмаган Ватан, олтинга қиёсланадиган талабалик даври, уларсиз ҳаётнинг фараҳбахш лаззатлари ҳам татаймайдиган ёру дўстлар ва энг асосийси дунёнинг бетакрор безаги бўлмиш АЁЛ ва унга бўлган муҳаббат ҳақида. У — ўша, отлар ҳақида бетакрор мадҳия яратган кўшикчи, том маънодаги ҳақиқий кўшикчи **Тошпўлат МАТКАРИМОВ**.

— *Инсон истаса-истамаса, ўзи босиб ўтган йўлни яна кўп мартаба ўташга мажбур. Аммо кейингилари ҳаёлан кечилади, ҳаёлан таҳлил этилади...*

— Мен 1975 йил Оҳангарон туманидаги Қори-Ниёзий номли 133-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомладим. Шу йилгича Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирдим. Уни битириб, 1979 йили Тошкент Маданият институтига имтиҳон топширдим. Институтни имтиёзли тамомлаганимдан сўнг Пискент туманидаги 32-ўрта мактабга ишга юборилдим. 1988 йили Олмалик шаҳридаги 18-мактабга ўтказилдим ва шу ерда кўним топиб қолиб кетдим.

— *Оила аъзоларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз...*

— Отам Қаршибой Маткаримов Қорабалиқ қишлоқ амбулаториясида фельдшер бўлиб ишлаган. Улар биринчилардан бўлиб Йўлдош Охунбоев номидаги тиббиёт билим юртини тамомлаганлар-

орзу ва истакларини, армонларини, ўй ва кечинмаларини, истиқола қилиб ҳеч кимга айтолмаётган, юрагининг туб-тубида яшириниб ётган дардларини жо қилсам дейман.

— *Куйламай яшашни тасаввур*

**Тошпўлат МАТКАРИМОВ** — 1960 йил 1 августда Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани, Қорабалиқ қишлоғида таваллуд топган. Бир ўғил, бир қизинг меҳрибон дадажониси. Турмуш ўртоғи Матлубахон — уй бекаси. Энг катта орзуси — инсонлар юрагига кўшиқ билан малҳам бўлиш, халқимизга янги-янги кўшиқлар бахшида этиш.

*қила олмасми?*

— Мен ёшлимда каттиқ касал бўлганман. Шунда битта нарсадан: кўшиқ айтилмай қолишдан жуда қўққанам рост. Анча вақт



дегим келади. Бир шоир тили билан айтганда:

*“Севги йўқ” десалар, ишонма ҳаргиз,*

*Гул қачон ўсибди тикану ҳорсиз.*

— *Сизни шахс сифатида жамиятнинг қайси иллатлари изтироб-га солади?*

— Инсоният яшар экан, унинг ютук ва муваффақиятлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам яшайверади. Ҳозирги кунимизда авж олиб келаётган иллатлардан бири гиёҳванд моддаларга ружу қўяётган ёшларнинг кўпайиб кетаётганлигидир. Маълумотларга қараганда, Голландия давлатининг ҳукумати бу ҳавфинг олдини оломай, наркотик моддаларни истемол қилиш ва сотишни таъқиқлайдиган ҳар қандай қонунларни бе-

к о р  
қ и л и ш  
ҳ а қ и д а  
қ о н у н  
ч и қ а -  
р и б д и.  
Б у б и -

лан умлр фаровон келажақ учун тилаётган бўлса!

— *Жалолiddин Румий шундай деган эди: “Аслинг каби кўрин, кўринганинг каби бўл”. Сизни ҳам уш сифат асло тарқ эмасин. Ҳамisha эл ароғиодаги санъаткор бўлиб қолишингизни тилаб қоламиз.*

Сўхбатдош:  
**Нилуфар МҲМИНОВА**

**Кутловлар**



*Қадрли жияларим Улубек ва Алишер Анортой ўғли Йўлдошев!*

Туғилган кунларингиз муборак бўлсин! Нимаки яхши ниятларингиз бўлса, ҳаммасига етишинглар. Оллоҳнинг суйган бандаси бўлиб, хонадонинглардан кут-барақа, файз аримасин деб, аммангиз

**Холида Мирсалимова,  
Тошкент шаҳри,  
Собир Раҳимов тумани.**


\*\*\*

*Мухтарам Ибодилла Худойқулов!*

Сизни 14 апрель — туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга соғлиқ, оилавий бахт, эл-юрт осойишталигини сақлашдек шарафли фаолиятингизда куч-қувват, муваффақиятлар тилаб:

**Собир, Шавкат ва Алишер,  
Қашқадарь вилояти**

**КРОССВОРД**



**Энига:** 3. Муз тоғ. 6. Вога ётган отнинг эраги. 7. Неваранинг боласи. 11. Ёзинг чанқовбосди ичимлиги. 12. Инъом қилмоқ, бахш этмоқ. 13. Денгиз бўриси. 18. Илгари ўтган ота-боболар. 19. “Минг дардга даъво” захматкашлари. 20. Инсон танасидаги энг катта қон томири. 23. Еввойи тоғ кўйи. 24. Биронинг сўзига лаҳқа утадиган. 28. Истикомат қилувчи одамлар мажмуи. 29. Безларнинг ўсма касаллиги. 30. Мўъжизали ўзгаришлар вужудга келтира оладиган сеҳрли ҳаракат ва дуолар. 33. Туғилган кун муносабати билан бериладиган зиннат. 34. Ер юзасидаги энг баланд ва энг узун тоғ тизмаси. 35. Машҳур инд шахмат устаси. 38. Туркия жанубидаги шаҳар. 39. Қримдаги болалар оромгоҳи. 40. Ўзбек бастакори ва дирижёри(марҳум).

**Бўйига:** 1. Толнинг бир нави. 2. Отнинг энг яхши зотларидан бири. 4. Унинг бир қисми. 5. Кура дарёсининг ўнг қирғоғи. 8. Мўғулистонда маъмурий ҳудуд бирлиги. 9. Сув ҳавзасини ураган яхлит ёки узик халқасимон маржон ороллар. 10. Қип-қизил, қирмизи. 14. Эртақларда учрайдиган афсонавий маҳлук. 15. Фарзандликка олиб тарбияланган бола. 16. Илтимоснома, ариза. 17. Тиканли, гулли хўшбўй ўсимлик. 21. Тўти қуш. 22. Ҳар тўққизда бир ... (матал). 25. Кишилар орасидаги узвий боғланиш. 26. Спектакль, концертлар ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. 27. Оврупоодаги давлат пойтахти. 31. Ётқиқода асосланган далилсиз ва исботсиз қрида. 32. Энг улкан самолёт. 36. Хива хони. 37. Хўжатлар сақланадиган муассаса.

**Тузувчи:  
Тожиали УМАРОВ**

**Газетанинг ўтган сопида берилган кроссворд жавоблари:**

**Энига:** 7. Настирин. 8. Ёйиштейн. 11. Ақула. 15. Ҳўрама. 17. Неру. 19. Плагмат. 20. Токи. 21. Зебу. 22. Пала. 23. Карз. 24. Парламент. 26. Лауза. 29. Иллада. 31. Антика. 35. Болалик. 36. Этно. 37. Олам. 38. Либос. 39. Роҳат. 40. Осло. 42. Аъло. 43. Синоним. 44. Озодий. 46. Сийрат. 52. Жилд. 54. Умарбеков. 58. Ирок. 59. Арта. 60. Форд. 61. Кипр. 62. Исканжа. 63. Амма. 64. Ирода. 66. Роҳиб. 69. Палеолит. 70. Айшария.

**Бўйига:** 1. Зарпечак. 2. Капа. 3. Фигу. 4. Ойна. 5. Яшма. 6. Ўймоқгул. 9. Капрал. 10. Бўтана. 12. Куба. 13. Фасл. 14. Қўём. 16. Маас. 18. Уззол. 25. Архар. 27. Идеология. 28. Аннотация. 30. Истисно. 31. Доломит. 32. Нисорий. 34. Иваслар. 41. Нотоб. 45. Задар. 47. Ақида. 48. Фирибгар. 49. Аммиак. 50. Можаро. 51. Розмарин. 53. Атир. 55. Руку. 56. Ёзна. 57. Жоди. 64. Илож. 65. Олим. 67. Хайф. 68. Бува.

**«КЎЛИМДАН  
ТОР ТУШМАСА...»**

дан. Онам Лазокат Маткаримова — уй бекаси. Оилада беш нафар фарзанд воғай етган. Катта олам Сарвиниссо ҳам уй бекаси. Кичик олам Бахриниссо мактабда география фанидан дарс беради. Синглим Фароғат — ҳисобчи. Ўз оилам ҳақида гапирадиган бўлсам, ўғлим Қамбарали 20-ўрта мактабнинг 7-синфида таҳсил олмақда. Қизим Маҳзуна 33-ўрта мактабнинг аълочи ўқувчиларидан.

— *Булбулнинг қудрати — унинг овозида, лочининг қудрати унинг қанотида ва чангалида. Санъаткор қудратини намада деб ўйлAYSIZ?*

— Бу саволга жавоб бериш мушкулрок. Менинг фикримча, санъаткорнинг қудрати унинг кўшиқларида куйланаётган дарадифодасининг самимийлигида. Енгил-елпи кўшиқларда дард бўлмайди, у тингловчиларни чўқур ўйга толдирмайди, кўшиқнинг бирор сатрини хирғоғи қилдирмайди, оқшомлари тинглаганда ёстиқларини намлатмайди. Улар фақат шон-шўҳрат қозониш, пул топиш учунгина айтилаётганга ўхшайди.

— *Бирон-бир масъулиятли ишни бажаришдан аввал, масалан, саҳнада қўлга тор олиш олдида сизга нима куч бағишлайди?*

— Одамлар не-не умидлар билан, олтинга тенг дақиқаларини ажратиб, кўшиқларимни тинглагани келишларини ич-ичимдан ҳис қиламан. Уларга хуш кайфият бахш этиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, турмуш ташвишларидан, ўзларини қийнаган муаммолардан бир дақиқа бўлса-да узоқлашсалар, деган кайфиятда бўламан. Айнан уларнинг меҳр-муҳаббати, эҳтиром, умидворлиги менга катта куч беради. Шунинг учун ҳам яратилаётган ҳар бир кўшигимга халқнинг

шифокорлар менинг касалимга ташхис қўя олмаганлар. Кейинроқ бир профессор аёл (минг афсус, исмларни эслай олмадим) бу ишнинг урдасидан чиқиб, касалимини аниқлаган. Мени медицина фанлари кандидати Шўҳрат Абдураҳмонов операция қилиб, оёкка турғизганлар. Улардан бутун умр миннатдор бўлиб қоламан. Операциядан чиқиб, биринчи берган саволим шу бўлган: “Мен яна кўшиқ айта оламанми?!” Шунда доктор қаҳ-қаҳа отиб кулган ва елкамга уриб: “Албатта, бу сенга ҳеч қачон армон бўлиб қолмайди” деган эди. Тузалганимдан кейин ҳам ўзим жўшиб куйлаган Қўрама тоғларига чиқиб, 60 кун қимиз ичишни тавсия этган. Ҳозирда соғлигимдан шикоятим йўқ, худого шукр. Ана ўшанда мен кўшиқнинг кадр-қиммати қанчалар юксак эканлигини теран англаб етганман. Ва қўлимдан бир умр торни туширмасликка, ҳофизлик номини улуг тутишга аҳд қилганман. Бир сўз билан айтганда, мен учун кўшиқсиз, куйсиз ҳаёт нурсиздай туюлади.

— *Аксариат инсонлар “Муҳаббат йўқ” дея кўп дийдаё қилишади. Сиз бунга қандай муносабат билдира олсангиз?*

— Менимча, муҳаббатнинг йўқлигини инкор этадиган одамларнинг ўзалари ҳам бунга ишонимас керак. Улар ҳам ич-ичидан зил кетиб, алам қилганидан шундай дейишга мажбур бўлишади. Аслида уларни хафа қилган муҳаббат эмас, шундай улуг туйғуни топтаганлар, унинг буюклигига шак келтирадиган, уни қадрламайдиган кимсалардир. Шундай ибораларни эшитганимда, “Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан!”

**ПАТФИДАЛАР**

Янги рус хотинига:  
— Йўқ, жонгинам, бу ёзда Канар оролларига бо-ролмаймиз. Қарзларимиз ҳақида ўйласанг-чи.  
— Нима, денгиз бўйида бу ҳақида ўйлаб бўлмайди-ми?  
\*\*\*

Ярим тунда уйга кириб келган қизига онаси тан-бей бера бошлади:  
— Қаерларда юрибсан? Уят эмасми, мен сенинг ёшингда...  
— Ойижон, сиз мендай вақтингизда, атиги бир ёшда эдим-ку...  
\*\*\*

Икки улфат қаҳраҳонада ўтирибди. Официант улар-дан нима буюришларини сўради.  
Улардан бири:  
— Менга марҳамат қилиб помидор шарбати келтирсангиз.  
Иккинчиси:  
— Нима эсингни еб қўйдингми, ўлик помидорнинг қонини имчोकчимисан?!

— Судланувчи, айтинг-чи, «Заргарлик» дўконини ўмаришга сизни нима ундади?  
— Витринадаги ёзув, ўртоқ судья. «Жаноблар, имкониятни қўлдан бой берманг», деб ёзиб қўйилган экан. Дарров ишга киришдим.